

РАМАЗОН ОЙИ МУБОРАК БЎЛСИН!



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқини Рамазон ойининг бошланиши билан табриклайди.

«Азиз биродарлар! Сизларни муборак Рамазон ойининг бошланиши билан чин қалбимдан табриклайман!

Бу бутун мусулмон жамияти учун жуда муҳим палладир.

Инсониятнинг маънавий покланиши ва ҳар томонлама камол топишини бошлайдиган бу ойда бағрикенглик, меҳр-оқибат, эътиқод каби қадриятлар кенг тарғиб этилмоқда.

Ота-боболаримиз Рамазонни «ўн икки ойнинг султони» деб улуғлаган. Рўздорларга ифторлик бериб, бир-бирларига алоҳида эҳтиром кўрсатган.

Эзгу динимиз асрлар давомида Буюк Даштда юртининг бирлигини, жамиятнинг тинчлигини сақлашда муҳим ўрин эгаллаб келган ва бу анъаналаримиз давом этмоқда.

Меҳр-мурувват ойида халқимизнинг хайрли ишлари кўп бўлсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилайман!

Тутган рўзаларингиз қабул бўлсин!», дейилади Давлат раҳбарининг табригида.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ХАЙРИЯ АКЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Президент «Жүрек жылуы» (Юрак тафти) хайрия тадбирида иштирок этди.

Март ойи давомида ўтказилаётган тадбирда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларига кўмак кўрсатилиб, кўп болали, алоҳида эҳтиёжли оилалар, нафақадорларга мурожаатларининг ижроси таъминланмоқда. Кўнгиллар Давлат раҳбаридан сандиқдаги ҳарфлардан бирини танлашни сўрашди. Қасим-Жўмарт Тўқаев мактубни ўқиб чиққач, муаллифининг истаги амалга оширилишини айтди. Бундан ташқари, Президент ушбу хайрия тадбирини ташкил этган ёшларга миннатдорчилик билдирди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Иордания Қироли Абдулла II ибн Хусайн билан телефон орқали мулоқотда бўлди.

Давлат раҳбарлари барча мусулмонлар учун муқаддас Рамазон ойи бошланиши муносабати билан бир-бирини табриклайди.

Икки давлат раҳбарлари Қозоғистон-Иордания муносабатларининг истиқболларини ҳам муҳокама қилиб, мунтазам алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Akorda.kz.

ИОРДАНИЯДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ



Иордания қироллигида Қозоғистон Элчихонаси, шунингдек, Иорданияда истиқомат қилаётган ватандошлар томонидан Наврўз байрами ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Қозоғистоннинг Иорданиядаги Элчиси Айдарбек Туматов самимий тилаклар билдириб, иштирокчиларни Наврўз байрами билан табриклайди.

Тадбир март ойи бошидан буён ўтказиб келинаётган «Наврўз нури» расмлар танлови ғолибларини тақдирлаш билан давом этди. Уч ёш тоифасида 18 нафар ёш ижодкор иштирок этиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос ижодий ёндашуви билан ажралиб турди.

13-16 ёшлилар тоифасида Ермат Айқўркем, 9-12 ёшлилар тоифасида Алодех Талал ғолиб деб топилди.

Концерт дастурида катталар ҳам, болалар ҳам иштирок этишди. Қозоқ диаспораси вакиллари ва талабалар байрам концертини намойиш этишди. Дўмбира садолари янграб, миллий куй-қўшиқлар ижро этилди.

Байрам якунида «Кўл кураши», «Арқон тортиш» бўйича мусобақалар ўтказилди.

24.kz.

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 25 март, шанба, №32 (3228).



ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ «МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ» МОНУМЕНТИ ЁНИДАГИ МАЙДОНДА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРДА ИШТИРОК ЭТДИ ВА НУТҚ СЎЗЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТ НАВРЎЗ БАЙРАМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Куйида Давлат раҳбарининг байрам тантанасидаги нутқининг тўлиқ матнини тақдим этамиз.

Наврўз шодиёнаси йил боши бўлиб, халқимиз қадимдан нишонлаб келаётган баҳор байрамидир. Қишининг соғуғи қайтиб, баҳор кўёши чарақлаб турган лаҳзани халқ орзиқиб кутадиغان ўзига хос байрамдир. Бу табиат яшариб, ҳаёт янгиланадиган пайт.

Ортимиз ҳамиша Наврўзни эзгу ҳамжиҳатликнинг бошланиши, деб билган. Эски гиналар унутилиб, одамлар Улуғ айёмда яна биллашадилар. Улар бир-бирларига яхши тилаклар билдиришади. Кўпчилик умумий дастурхон атрофида тўпланиб, кексалар ёшларга дуо қилади.

Ота-боболаримиз Наврўз байрамини бунёдкорлик тантанаси деб билган. Ариқ-зорурларни тозалаб, дарахт эккан. Элга фойда келтирган хайрли ишларда фаол иштирок этишган. Мухтасар қилиб айтганда, Улуғ айём янги ҳаётнинг хабарчисида.

Халқимиз бу байрамни ягона чанғароқ остида нишонлайди. Март ойида бутун мамлакат учун умумий қадриятлар улуғланади. Яъни – Наврўз ҳақиқий халқ байрамидир.

Қардошлик, меҳр-оқибат, эҳтиром, ватанпарварлик каби барча эзгу фазилатлар ушбу улуғ айёмда ўз ифодасини топган. Биз ажодларимиз йўлини давом эттирадиган халқимиз.

Мен бир йил муқаддам янги ташаббусни бошладим. Мамлакатимизни тўлиқ янгилаш бўйича кенг кўламли ислохотларни тақлиф қилдим. Халқ бу ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Бир йилда режамизни муваффақиятли амалга оширдик.

Биз референдум орқали Конституцияга муҳим ўзгаришлар киритдик. Давлат бошқарув тизимини қайта ташкил этиш бўйича муҳим сиёсий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кун кеча ўтган Мажлис ва маслаҳатлар сайлови барча ислохотларимиз учун жуда муҳим қадам бўлди. Сайлов кенг кўламли ўзгаришларнинг узвий давоми бўлди. Шундай қилиб, мамлакатимиз янги даврга қадам қўйди. Умуман олганда, мамлакатнинг янги сиёсий қиёфаси шаклланди.

Тарихий лаҳза Улуғ айём кунларига тўғри келади. Бу улкан рамзий маънога эга.

Янги Қозоғистоннинг бугунги қиёфаси Наврўз байрамига тўла мос келади, яъни Улуғ айёмда муқаддас Ватанимиз бутунлай янги тус олди. Бу дунёнинг кўплаб давлатлари томонидан тан олинган.

Ҳозир бутунлай замонавийлаштирилган сиёсий тизимга эга мамлакатимиз янги суръатларда ривожланмоқда. Бу ислохотлар иқтисодий юксалишига, аҳоли даромадларининг ошишига замин яратмоқда. Ислохотлар албатта давом этади. Ҳар томонлама тараққий этган қудратли давлатга айланамиз! Бу бизнинг асосий мақсадимиз.

Фуқароларимизнинг қарашлари турлича бўлса-да, барчасининг хоҳиши ягона. Бу юрт фаровонлиги, давлатнинг порлоқ келажаги. Биз ана шу умумий мақсад сари ҳаракат қиламиз.

Олдинда жуда кўп ишлар кутмоқда. Ҳамжиҳатлигимизни мустаҳкамлаб, ягона давлат бўлиб ҳаракат қилсак, энгиз бўлмайдиган тўсиқ қолмайди. Бунёдкор халқимизнинг келажаги порлоқ бўлишига ишонаман. Давлат манфаати барчасидан устун.

(Давоми 2-бетда.) ▶

ТУРКИСТОНДА ПАЗАНДАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Вилоят маркази Туркистон шаҳрида Наврўз байрами муносабати билан «GASTRO FEST TURKISTAN - 2023» фестивали ўтди.

Гастрофестиваль Туркистон шаҳрининг кўзга кўринган тимсолига айланадиган, вилоятдаги кенг кўламли ўзига хос пазандалик тадбири бўлиб, вилоятда умумий овқатланиш саноатини ривожлантириш ва унинг пазандалик тимсолини шакллантиришга ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилди.

Шаҳарнинг 30га яқин ресторан ва тамадди-хоналарида гастрофестиваль доирасида меҳмонларга миллий таомлар, маҳаллий таомлар, ширинликлар ва ичимликлар тавсия қилинди. «Буюк Дашт эли» маркази ҳудудда ўтказилган тадбирда узоқ-яқин мамлакатлар ва бошқа вилоятлардан 10000дан зиёд меҳмонлар иштирок этди.

Фестивалда махсус концерт дастури ташкил

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



КҮКЛАМ – ЖАНУБДАН БОШЛАНАДИ...



Вилоятнинг 17та туман ва шаҳрида Улуснинг улуғ куни – Наврўз байрами кенг нишонланди. 10 кун – эзгу ишлар ва мазмунли тадбирларга бой бўлди. Туман, шаҳар ва қишлоқларда миллийлигимизни намоён этувчи, ҳамжиҳатлик ва ободонлаштиришга қаратилган тадбирлар ташкил этилди. Миллий ўзлигимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ва аъналаримиз улуғланди.

Вилоят ҳоқими Дархан Сатибалди Наврўз байрамини туркистонликлар билан бирга нишонлади. У спортчилар билан учрашиб, миллий таомлар кўргазмасида иштирок этди.

Шунингдек, каратэ, кикбоксинг, бокс, дзюдо, самбо, қиличбозлик, тоғ спорти, армрестлинг, арқон тортиш бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳаваскор спортчилар иштирок этишди. Арис шаҳрида истикомат қилувчи Азамат Макулбеков 55 килограммлик кўчқорни 303 марта кўтариб, кўпчилиكنинг эътиборини қозонди. Ғолибга айнан шу кўчқор совға қилинди.

“Карвон сарой” сайёҳлик мажмуасида тикилган 30та уйга Турон қишлоғи, Ясавий қишлоғи, Туркистон қишлоғи, Оқинлар қишлоғи, ОАВ қишлоғи, Устозлар қишлоғи, Полвонлар қишлоғи, Деҳқонлар қишлоғи, Темирийўлчилар қишлоғи, Фороб қишлоғи, Хунармандлар қишлоғи ва бошқа номлар берилди.

Меҳмонлар мазали таомлардан татиб, қизиқарли кўнгилочар дастурларни томоша қилдилар.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



● Наврўз марафони ғолиблари

Саврон тумани маркази Чўрнок қишлоғида Наврўз айёми арафасида туман ҳокимлиги спорт бўлими томонидан уч чақирим масофага югуриш бўйича марафон уюштирилди.

Унда Ўранғай қишлоғидаги Н. Қадиров раҳбарлик қилаётган М. Аюезов номли умумий ўрта мактаб ўқитувчилари жамоаси пешқадам бўлди. Хусусан, Ёдигора Зайнутдинова биринчи, Нодира Мадазимова иккинчи, Гулноз Маннопова учинчи ўринни қўлга киритди. Ғолиблар ташаккурнома ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Марафон мусобақасидаги ёши энг катта марафончи номинацияси бўйича ғолиблик шу мактабнинг тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчиси, кураш бўйича халқаро миқёсда ғолиб Н. Утепбергеновга топширилди. Обунада пешқадам мактаб жамоасини ғалаба билан табриқлаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

М. АУЕЗОВ НОМЛИ МАКТАБ МУАЛЛИМЛАРИ ПЕШҚАДАМ



ПРЕЗИДЕНТ НАВРҮЗ БАЙРАМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз ёшларимизга ғамхўрлик қилиб, уларга энг яхши шароитларни яратиб берамиз. Мен ёшларга ишонаман! Улардан умидим катта!

Мамлакат келажаги ёш авлод қўлида. Шундай экан, келинг, она юртимизни бирга ривожлантирайлик, биродарлар!

Халқимиз «Бирлик пойдевори – ободлик!» дейди. Жамиятда тотувлик, тинчлик бўлса, юртимиз ўз олдига қўйган мақсадларига эришади.

Бизнинг мақсадимиз аниқ. Бу адолатли Қозоғистонни яраттирдир. Келинг, барчамиз бир кишидек ҳамжиҳатликда ҳаракат қилайлик, азиз биродарлар!

Бу йил муборак Рамазон ойи Улуғ айём билан бирга келди. Рўздорларнинг ниятлари қабул бўлсин! Ҳар бир хонадонга фаровонлик ва осойишталик насиб этсин! Янги йил кут-баракати олиб келсин!

Улуғ айём муборак бўлсин! Ризку насиба мўл бўлсин!

● Юртинг обод – дилинг обод!

САРИШТАЛИККА НИМА ЕТСИН...

Наврўз байрами арафасида вилоятда “Бирга – тоза Қозоғистон” экологик акцияси ташкил этилди. У вилоят табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни сошлаш бошқармаси ташаббуси билан уюштирилди.



Барча шаҳар ва туманларда шанбаликлар ташкил этилиб, унда давлат хизматчилари ва маҳаллий аҳоли иштирок этди. Шанбаликда шаҳар кўчалари ва зовурлар тозаланиб, дарахтлар оқланди, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилди.

Туркистон шаҳрининг экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида “Яшил ҳудуд” ва “Яшил белбоғ” лойиҳалари доирасида залворли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, жорий йилда шаҳарда 210 минг туп бир йиллик ва кўп йиллик гуллар экиш режаланган. Унинг 60 мингтаси экилди. Жорий йилда вилоят марказида 17 хил иқлимга мослаштирилган 249000 туп дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вилоят табиий захиралар ва табиатни муҳофаза қилишни сошлаш бошқармасига қарашли муассасалар ниҳолхоналарида 27 миллиондан зиёд турли дарахтлар парваришланмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛА БОШПАНАЛИ БҮЛДИ

Вилоят марказидаги “Бекзат” даҳаси аҳолиси Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан нишонлади. Тадбирда аънаанага кўра, эҳтиёжманд оилга янги уйнинг калити топширилди.



Хайрли тадбирнинг ташаббускори бўлган 1992 йилда туғилган улфатларга миннатдорчилик билдирган шаҳар ҳоқими Нурбўл Турашбеков янги уйнинг рамзий тасмасини қирқди.

– Уч хонали, замонавий маиший техника билан жиҳозланган янги уй калити кўп болали ёлғиз онага топширилди. Савобли тадбирни 1988 йилда туғилган ҳамқишлоқларимиз бошлаб берган эди. Биз эзгу ишларнинг ташаббускори бўлган ватанпарвар ёшларимиз билан фахрланамиз. Хайрли эстафетани давом эттирган ёшлар уйнинг қурилишини батамом ўз кучи билан амалга оширишлари ҳар қандай таҳсинга лойиқ, – деди Нурбўл Абдусаттарули.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Кентов шаҳрида Наврўз байрамида «Ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази» очилди. Унда шаҳар ҳоқими Жандўс Тасов тантанали тадбир иштирокчиларини байрам билан табриқлади ва марказ фаолиятига қисқача тўхталди.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ



Тадбирда шаҳар фахрийлар кенгаши раиси М. Тунтеков сўзга чиқиб, ташкилот фаолиятига муваффақиятлар тилади. «Кезқарас» ногиронлар жамияти аъзолари йиғилганларга хушқайфият бағишлади.

Наврўз байрамига бақамти келган ушбу эзгу тадбирда ўтовлар тикилиб, миллий таомлар тарқатилди.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш марказида «Фаол узоқ умр кўриш», «Тенг ҳуқуқли жамият», «Ижтимоий-руҳий қўллаб-қувватлаш» ҳамда «Уйда махсус ижтимоий хизматлар» бўлимлари фаолият юритади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОЛИМЛАР СУҲБАТИГА НИМА ЕТСИН!

Наврўз байрами арафасида Жанубий Қозоғистон Давлат Педагогика университетида «Евроосиёнинг қадимги ва ўрта аср давлатлари, кўчманчилари – янги археологик ва ёзма манбалар нуқтаи назаридан» мавзуда халқаро илмий-амалий анжуман ўтди.

Тадбир таниқли археолог, тарих фанлари доктори, профессор Александр Подушкиннинг 70 йиллиги бағишланди. Илмий-маърифий йиғилишга Қозоғистон, Россия, Ўзбекистон, Қирғизистондан машҳур тарихчилар, этнограф, археолог олимлар ташриф буюришди. Меҳмонлар «Буюк Дашт эли – тамаддунлар чорраҳасида (мил. ав. 100 минг й. – мил. ав. XII аср)» мавзуда уюштирилган археологик кўрғазма ва Археология маркази фаолияти билан танишди.

Тадбирнинг асосий мажлиси университет ректори Гулжан Сугирбаеванинг кириш сўзи билан бошланди. Иштирокчиларга омад тилаган ректорнинг нутқидан сўнг, Шимкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Қуаниш Асиллов ўлкамизнинг машҳур археологини таваллуд куну билан табриклади.

Гулжан Даулетбекқизининг «Жанубий Қозоғистоннинг археолог-тадқиқотчиси» мавзудаги маърузаси таниқли фан арбобининг ҳаёт йўлига бағишланди.

Дарвоқе, юбилейнинг отаси



Николай Подушкин ҳам машҳур олим-археолог бўлган. Шундай зиёли оилада вояга етган бола 10 ёшлигидан археологик қазилма ишларида иштирок этиб, қарийб 60 йил давомида илм-фан билан шуғулланмоқда. Ҳозирги ЖҚДПУнинг тарих-археология бўлимини тамомлаб, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб қозоқ археология мактаби анъаналарини давом эттирмоқда. Унинг илмий ишлари Қозоғистон ва Евроосиё тарихи фанларини ривожлантирмоқда ва бойитмоқда. Олимнинг Туркистон, Тўрткўлтөпа, Биркўлик, Арис, Шаулдер, Алтинтўбе, Тўлебайтўбе, Еттисой, Кеген,

Қапал-Арасан, Хоразм, Ўрдабоши, Қултепа, Шўлақтўбе каби қадимги археологик манбаларга оид тадқиқоти Қозоғистон археологиясининг олтин саҳифасига айланган.

Анжуман тарих фанлари номзоди, Қозоғистон Республикаси Фанлар Академиясининг А. Н. Марғулан Археология институти директори Ақан Ўнгарнинг қутлов нутқи билан давом этди.

Шу кунни яқин ва узоқ хориждан ҳам табриқлар, ҳам илмий маърузалар янгради. Россия Федерациясидан – Владивостокнинг Узоқ Шарқ халқлари тарихи, археологияси ва этно-

рафияси институти директори, академик Н. Крадин, Олтой Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Алексей Тишкин (Барнаул ш.), тарих фанлари доктори, профессор, таниқли ўзбекистонлик археолог-олим Рустам Сулеймановларнинг маърузалари қизиқарли маълумотларга тўла бўлди.

Қозоғистон жанубининг бепоён кумликлари, саҳролари бағрида минглаб йиллардан буён ўз сирларини очмай ётган қадимий қалъалар, маданият-

лар ҳали қанча. Уларни кашф этиш учун мутахассислар керак. Афсуски, бугунги ёшларимиз кўпроқ бошқа соҳалар билан овора, тарих-археологияга унчалик қизиқмай қўйишган.

Олимлар жамиятининг айтишича, бугунги кунда Қозоғистонга илм-фанга ошно жонқуярлар жуда-жуда зарур экан. Давлат уларнинг иш ҳақини ҳам, нуфузини ҳам ошириш учун барча шарт-шароитларни яратмоқда.

Шу кунни ЖҚДПУ қошида археология илмий-тадқиқот

институтини очиш ва кадрлар тайёрлаш таклиф қилинди.

70 ёшида ҳам кўлидан белкураги тушмай, ёз чилласида, кум-тупроқ остида тарихий археологик экспедициялар олиб бораётган камтар ва хокисор, илмий меҳнатлари, янгиликлари, топилмалари билан дунёга овоза бўлаётган Александр Подушкинга узоқ умр, сийхат-саломатлик тилаб қоламиз.

Н. МАВЛОНОВА.



ТОЗАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Жаҳонни ларзага солган коронавирус инфекциясининг тарқалиши инсониятнинг ёдидан кўтарилганича йўқ. Ана шундай синовли даврларда фуқаролар саломатлигига посбон бўлган инсонларнинг номи тарихга зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиши аниқ. Бугунда мазкур касалликларнинг кўрсаткичи ва бошқа долзарб масалалар билан Туркистон вилояти санитария-эпидемиология нazorати департаменти раҳбари Нурбек Нишановга мурожаат қилдик.

– Аини пайтдаги коронавирус инфекциясининг кўрсаткичи, назорат чоралари, жамоат хавфсизлиги қай даражада?

– Туркистон вилоятида коронавирус инфекцияси билан боғлиқ умумий эпидемиологик вазият барқарор. Жорий йилнинг бошидан ҳозирги кунгача КВИ(+), коронавирус инфекциясининг 20та ҳолати қайд этилган бўлиб, 0,97 фоизни ташкил этади. Лекин, коронавируснинг мутацияга учраган турлари бўйича эпидемик хавф пасаймаган. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўз соғлигини кузатиб бориши шарт. Имкон қадар одам гавжум жойларга бормаслик, жамоат, иш ўринларида ниқоб тақиш, ижтимоий масофа ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, биноларни тез-тез шамоллатиб туриш каби талабларга риоя қилишга қаҳраман. Бугунги кунда коронавирус инфекциясининг олдини олишнинг ишончли усули бу унга қарши эмланишдир. Ушбу эмлашлар тиббиёт ташкилотларида бепул амалга оширилмоқда.

– Кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар (қандолат, сут маҳсулотлари, қаҳвахона, ресторонолар)нинг тозаллиги назоратдами? Тозаликка риоя қилмай-

диганларга қандай чора кўрилади?

– Ҳозирда Қозоғистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 декабрдаги 229-сонли «Қозоғистон Республикасида текширишлар ва профилактика назорати бўйича мораторий жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, кичик бизнес вакиллари, шу жумладан, микротадбиркорлик субъектларга текширувлар амалга оширилмайди. Бироқ, фуқаролар томонидан шикоят рўйхатга олинса ва инсон ҳаётига таҳдид мавжуд бўлса, режадан ташқари текширувлар ўтказилади. Шунингдек, санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари томонидан озиқ-овқат масофа ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, биноларни тез-тез шамоллатиб туриш каби талабларга риоя қилишга қаҳраман. Бугунги кунда коронавирус инфекциясининг олдини олишнинг ишончли усули бу унга қарши эмланишдир. Ушбу эмлашлар тиббиёт ташкилотларида бепул амалга оширилмоқда.

– Ботулизм ва эҳтиёт чоралари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

– Илгаритдан кўплар мустақил равишда маҳсулотларни (бодринг, помидор ва бошқалар) уйда консервлашади. Аммо, бу ишда технологик талабларга риоя қилинмаса, ботулизм – озиқ-овқатдан захарланишнинг энг оғир тури келиб чиқади. Ҳавосиз анаэроб муҳитда касалликнинг кўзгатувчиси



ўзидан жуда кучли захар чиқаради. Марказий асаб тизимига зарар етказиши билан бошланиб, заифлашиш, бош айланиши, қусиш, кўзқовоқларнинг шишиб кетиши, яхши гапира олмаслик, юришнинг ўзгариши каби аломатлари мавжуд. Ботулизмнинг кўзгатувчиси табиатда кенг тарқалган. Унинг барқарор ўсиши тупроқда содир бўлади, сўнг-ра сув, сабзавот, мева-лар орқали озиқ-овқат одамлар ва ҳайвонлар, қушлар ва балиқларнинг ичкаларига тушади. Мазкур жойларда патоген кимёвий ва физик омилларга жуда чидамли спораларни ҳосил қилади. Споралар 6 соатгача қайнатишга чидамли. Бундай ҳолларда беморни зудлик билан касалхонага етказиш шарт.

Ўтган йили вилоятда бота ботулизм ҳолати қайд этилди, 12 киши захарланиб, Жетисай туманида бемор вафот этди. Қайд этилган касаллик уйда консервланган сабзавотли салатлар ва тузланган маҳсулотларни истеъмол қилишдан келиб чиқади.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Майсара САФАРОВА суҳбатлашди.

● Обуначиларимиз орасида

МЕҲНАТДАН ШАРАФ ТОПГАН ДЕҲҚОН ЭДИ

Шарофиддин Раҳим ўғли Мараймов (тасвирда) Саврон тумани Қорачиқ қишлоғида меҳнатдан эътибор топган тадбиркор деҳқонлардан бири эди.

1974 йили собиқ Туркистон туманига қарашли қирқ қопқали Қорачиқда таваллуд топиб, ўрта мактабда пухта билим олди. Меҳнат фаолиятини «Қорачиқ» агрофирмасида бошлади. Илганиш ва ўрганишдан чарчамади. 1997 йилдан бошлаб «Шарофиддин» деҳқон хўжалигини бошқарди.

Деҳқончиликда юксак натижаларга эришиб,

пахта, бугдой, боғ ва сабзавот маҳсулотларини етиштириб, меҳнати билан донг қозонди.

2019 йил кузда халқаро даражада ўтган қадрдон Қорачиқ қишлоғининг 2000 йиллик тарихий тўйига тайёргарлик ҳамда ўтказишда фаол хизмат қилди. Фидойи меҳнати инобатга олиниб, махсус кўкрак нишони билан тақдирланди. «Олтин куз» тадбирларида кўп марта-ба ташаккурнома ва қатор мукофотлар билан тақдирланган.

У умр йўлдоши Гавҳар Уринбой қизи билан қобил фарзандлар тар-

биялади. Тўнғич ўғли Сирожиддин ота изидан бориб, хунар коллежини тамомлагач, қишлоқда самарали меҳнат қилмоқда. Ўғли Жавоҳир Алматидеги нуфузли олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, фаолият юритмоқда. Кенжа қизи Мафтунга ҳам Алматидеги тиббиёт институтида аъло баҳоларга ўқимокда. Меҳнат ва билим улугланган аҳил оилада ширин-шакар неваралар Ҳадича ва Нурмуҳаммад камол топмоқда.

Ёзмишдан ўзмиш йўқ экан. Наврўзи олам ҳамда ойларнинг султони Рамазон ойи арафаси-



да Шарофиддин Раҳим ўғли оламдан ўтди. Аллоҳ марҳумни ўз раҳмати оғли бўлсин.

Марҳумнинг оиласи ва қариндошларига «Жанубий Қозоғистон» газетаси тахририяти номидан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

● Балалар жазушысы Марат Қабанбайдың туғанына 75 жыл

ҚАЙТАЛАНБАЙТЫН ТАЛАНТ ИЕСІ



«Балаларга арналган азды-көпті шығармаларды жаза отырып түйгенім мынау: «Өмірдің өзі біз үшін – алтын көмбе, асыл қазына. Повесть, әңгімеге өзек болар сюжетті алыстан арбалап тасымай-ақ, төңірекке пысық көзбен қарап, ыстық көңілмен үңіліп, ең аяғы өз бала-шағаңнан бастап, іні-қарындастарының сүйкімді қылығы мен қызық ойындарынан ой қорыта білсең, жерде қалмайсың. Саусақтан сорып, оқиғаны ойдан шығарсаң, жалғандық жақын. Ондай қиыннан

қиыстырған нәрсені өзге түгіл, өзіңнің балаларың да оқымайды» – деп жазған еді. Марат Қабанбаев, (Туған өлке ернегіде) өкініштісі, өмірден ерте өтіп, армандары орындалмады.

Атақты жазушы Марат Қабанбаев ҚазМУ-дың журналистика факультетін 1975 жылы бітірген. 1966-1968 жылдары аудандық «Достық» газетінде әдеби қызметкер, 1987-1994 жж. шығармашылық жұмыста, 1995-1997 жж. «Ана тілі» газетінің редакторының орынбасары, 1999 жылдан өмірінің соңына дейін «СолДат» газетінің бас редакторы болды.

Шығармаларын балалар мен жасөспірімдерге арнады. «Бақбақ басы толған күн» (1975), «Арыстан, мен, виоленчель және қаспақхана» (1977), «Жиһанкез Тити» (1982), «Пысық болдым, мінеки» (1983), «Қала мен қыз бала»

(1984), «Қазақ, қайда барасың?» (1995), «Сурет салғым келмейді» (1995) атты повестер мен әңгімелер топтамалары, «Көркем дәм» (1977), «Айшылық алыс жол» (1987) романдары жарық көрді. Жекелеген шығармалары украин, молдаван, латыш, неміс тілдерінде жарық көрген. М. Әуезов, Халықаралық Х.К. Андерсен, және «Жалын» бейгелерінің иегері.

Аудан тұрғындары, кітапсүйер қауымды Сайрам аудандық орталық балалар кітапханасында балалар жазушысы, ақын, публицист Марат Қабанбайдың 75 жылдық мерейтойына орай «Қара сөздің Қабанбайы» атты шығармашылық байқау өтді

Амина АМАНТАЙ, Сайрам аудандық орталық балалар кітапханасының кітапханашысы.



«ҚЫЗ ӨССЕ – ЕЛДІҢ КӨРКІ»

Қарамұрт ауылындағы Дилназа Азимбаева басшылық етіп отырған «Рахатай Ана» бөбекжайында көктем мерекесіне орай «Қыз сыны-2023» байқауы өтті.

Қыз балаларға адамгершілік, адалдық, өсемдік, әдемілік, іс-қимыл, жүріс-тұрыс, қыз сымбаты деген ұғымды терең түсіндіре отырып, олардың өнерлерін, ұшқыр ойларын, іс-әрекетке деген икемділігін бағалау, одан әрі дамытуды мақсат еткен байқауда тәрбиешілер де тәрбиеленушілер де белсенділік танытты. Байқауға «Солнышко», «Колобок» «Любознайка» топтарының тәрбиеленушілері – Асал Миралиева, Эсманура Маликшаева және басқалар қатысты.

Тәрбиеленушілеріміз жоғары деңгейде дайындалды.

Бас жүлде Самира Бахтияроваға, 1 орын – Асал Миралиева, 2 орын – Эсманура Маликшаева, 3-орынды Гулзада Исманова және Сафина Шафқатова иеленді.

Жеңімпаздарға сыйлықтарды бөбекжайымыздың құрылтайшысы Бахадыр Турсиметов табыс етті.

Байқауға қатысқан қыздарымыздың ата-аналарына алғысымыз шексіз.

Махлиё НАРИМОВА, әдіскер.

Табриклаймиз!



Умрингиз баракали, соғлигингиз зиёда бўлсин, қадрли Шомирза Сатторкул ўғли! Биз сиз билан фахрланамиз!

«Жанубий Қозоғистон» газетаси тахририяти.

Туркистон вилоят «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетасининг Туркистон ва Кентов шаҳарлари ҳамда Саврон тумани бўйича махсус мухбири – журналист Шомирза Сатторкул ўғли МАДАЛИЕВ 60 ёшни қарши олмақда. Наврўзи олам шодибаналари ҳамда Рўзай Рамазоннинг

дастлабки кунлари билан бақамти келган таваллуд айём муборак бўлсин! Шомирза Сатторкул ўғли – касбий журналист. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Умрини миллат минбари аталмиш ўзбек рўзномасига бахшида этиб келмоқда.

Саломатлик посбонлари

КАСБИГА САДОҚАТЛИ ШИФКОРЛАР

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасида шифокор Иброҳимовларнинг сулоласи кўпчиликка таниш. Дарҳақиқат, Акмалхон ака, рафиқаси Дилором ая, фарзандлари – Шухрат, Фарҳод, келини – Муборакхон элда эътибор топган саломатлик посбонларидир.

Ушбу сулоланинг муносиб давомчиси, Сайрам даҳасидаги 3-сонли шаҳар касалхонаси терапия бўлими мудири, олий тоифали шифокор Шухрат Иброҳимов (тасвирда) мана, 36 йил мобайнида ушбу масканда самарали хизмат қилмоқда.

У устозлари, отаси Акмалхон ака, таниқли шифокор Анормат Аҳмадқулловнинг беғараз ёрдами билан изланди, тажриба ортирди ва жамоада ўз ўрнини топди. Шухрат узоқ йиллар касалхона касабга уюшмаси, шунингдек, «AMANAT» партиясининг бошланғич ташкилотини бошқарди.

Бугунги кунда терапия бўлимида унинг шогирдлари ҳам хизмат қилишмоқда. Жанубий Қозоғистон Давлат тиббиёт академиясининг битирувчиси Комила Жамолова



шулар сирасидан. Терапия бўлимида, шунингдек, ҳамширалар Арофат Сайдақбарова, Насиба Пратова, Нилуфар Шерматова, Малика Эргешова ҳамда техник ходималар Гүлчехра Исроилова ва Нигора Режаметовалар сидқиқдилдан хизмат қилишмоқда.

Саломатлик посбонларини Наврўзи байрами билан табриклаб, барчаларига узоқ умр, оилавий бахт, касбкорларига барака тилаймиз!

И. ТОЖИБОЕВ.

Обуначиларимиз орасида

Наврўзи олам байрами кунини Саврон тумани, Интимоқ қишлоғидаги фаол обуначимиз, нафақадаги ўқитувчи, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Абдуҳамид Умаров билан Мўлда Муса номли умумий ўрта мактаб биноси ёнида учрашиб, «Улес» хайрия жамғармаси таъсис этган «Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси» мукофотини тантанали тадбирда тақдим этдик.

Абдуҳамид ака укаси тадбиркор Абдумуталлиб Олим ўғли билан бирга газета обуначисини олтимишдан ошириб, ўзига хос маънавий жасорат кўрсатди. Икки йил муқаддам Шўлпан Бектас қизи раҳбарлик қилаётган, томидан чакка ўтаётган мактаб жамоасининг тубдан таъмирлаш хусусидаги илтимосномаси асосида «Жанубий Қозоғистон» газетаси тахририяти Туркистон бўлими ташкилотчилигида вилоят маслаҳати депутати М. Лимаренко ташриф буюрди.

Мактаб маъмурияти таклифи билан Абдуҳамид Умаров ҳамда Чога қишлоғидан Одилахўжа Меҳмонхўжаевлар ҳам эл ичида обрўли фахрий отахонлар сифатида депутат билан суҳбатда эл илтимосини баён этишганди. Кўндан ечимини кутаётган ушбу масала пировардида ижобий ҳал қилиниб, жорий йил ёзда улкан уч қаватли мактаб биноси таъмирланганидан бўлди. Бу хушхабарни Абдуҳамид ака бизга фахр ила маълум қилди.

Эл қорига камарбаста бўлиш саодати

АБДУҲАМИД
АКАГА МУКОФОТ

ажойиб фазилат. Қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмасига раислик қилиш баробарида она тилимиздаги «Жанубий Қозоғистон» газетасини амалда қўллаб-қувватлаб, ҳиммати ва меҳнати билан умумхалқ ишига ҳисса қўшаётган Абдуҳамид акага тахсинлар айтсак арзийди.

– А. Умаровнинг падари бузруквори Олим ака Чапаев номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби сифатида талабчан ва адолатлилиги билан эл

ёдида қолган ажайиб инсон эди. Унинг фарзандларидан Абдуҳамид ва Абдумуталлиб Умаровларнинг хайрли ташкилий ишлари кўпчиликка ибрат, – деди Одил Меҳмононов эҳтиром билан.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф суратга олган.

МАҲОРАТ БАҲОЛАНГАН ТАДБИР

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги Нодирхон Имомсидиқов раҳбарлик қилаётган 108-сонли ўрта мактабда «Моҳир кўллар» беллашуви ўтди.

Тадбир шартларига кўра, 8-,9-,10-синфларнинг ўқувчи қизлари касбий маҳоратини намоён этишди.

Ҳақамлар ҳайъати иштирокчиларнинг чеварлиги, орасталиги, пазандалиги ва уddaбуролигини муносиб баҳолади. Танлов якунларига кўра, олий ўрнини Гулсанам Берганбоева эгалласа, Дилёра Ирисқулова, Адолат Тўғонбоева – «Моҳир қиз», Сарвиноз Анорматова, Дилдора Мирзахматова, Хадича Зокирхонова, Камола Зойитқулова, Комила Ёкубова, Лайло Ҳақимшиқова, Озода Абдуқамолва, Бону Комилқова, Нохоний Мирсоатовалар – «Чевар қиз», «Пазанда қиз», «Ораста қиз» номинацияларига муносиб топилиб, ташаккурнома билан тақдирланди.

Тадбирни ташкил қилишда технология фани ўқитувчиси Дилфуза Имомсидиқова ва Санобар Худойберганожа жонбозлик кўрсатди. Дарҳақиқат, ўқув-



чиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда бу каби танловлар фойдадан холи эмас. Мактаб раҳбарияти номидан тадбир ташкилотчилари ва иштирокчиларига миннатдорчилик билдирилди.

Мунаввара ШОДИМАТОВА,
тарих ўқитувчиси.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Туркистон

БИРЛИКДА НАВРЎЗ САЙЛИ

Доимий жамоатчи обуначимиз, ҚР Фахрий фуқароси Тойир Абдувалиевнинг таклифи билан Туркистон ва Саврондан бир гуруҳ фаоллар Туркистон шаҳрининг Бирлик кичик туманидаги Наврўзи олам сайлида иштирок этдик.

Шаҳар ҳокими Нурбўл Турашбеков номидан унинг ўринбосарлари Байдулла Ўразбеков, Талғат Тўлегенов, шаҳар маслаҳатининг депутати Дониёр Аюпов, фаоллар Эркин Қолиббетов, Носир Ҳамроқулов, Абдулла Расулов, Дадаҳон Жалилов, Худойберганд Холматов, Муталлиб Умаров, Зокир Зокиров, Райимжон Алибоевлар бирлиги ярашган Бирлик тумани аҳо-



лисини Наврўзи олам билан муборакбод этишди.

Тадбиркор Абдулла Ризаев барпо этган «Олтинсарой» тўйхонаси ҳамда унинг олдидаги улкан майдон Наврўз сайлига келган меҳмонлар билан

гавжум бўлди. Муҳаммадрасул Иззатуллаев раҳбарлигидаги Э. Иззатуллаев номли мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси концерт дастурини намойиш этишди. Кичик туманда ҳимматли ишлар-

ни адо этаётган «Куч бирликда» гуруҳи, хусусан, тадбиркорлар Шохмардон Йўлчиев, Зиёвуддин Жалилов каби ўнлаб ҳимматли инсонлар ҳомийлигида 200 кг. ош дамланиб, элга тарқатилди.

Шунингдек, туманда бунёдкорлик ишларини олиб бораётган пудратчи қурилиш ташкилотлари ҳам халқ байрамига муносиб ҳисса қўшишди. Фахрий темирўлчи Эркин Зиёш ўғли қўлларини дуога очиб, анжуманни ташкил этган, ҳомийлик қилган, меҳнати билан ҳисса қўшган барча саховатли инсонларга саодат, омад, зафарлар тилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

РЎЗАНОМА

2023 йилги РЎЗА ТУТИШ ЖАДВАЛИ
(Шимкент вақти билан).

Рамазон ойининг кунлари	Март, апрель, ойлари	Ҳафта кунлари	Саҳарлик вақти	Ифторлик вақти
1	23 март	Пайшанба	06:03	19:40
2	24 март	Жума	06:01	19:41
3	25 март	Шанба	05:59	19:42
4	26 март	Якшанба	05:58	19:43
5	27 март	Душанба	05:56	19:44
6	28 март	Сешанба	05:54	19:45
7	29 март	Чоршанба	05:52	19:46
8	30 март	Пайшанба	05:50	19:48
9	31 март	Жума	05:48	19:49
10	1 апрель	Шанба	05:46	19:50
11	2 апрель	Якшанба	05:44	19:51
12	3 апрель	Душанба	05:42	19:52
13	4 апрель	Сешанба	05:41	19:53
14	5 апрель	Чоршанба	05:39	19:54
15	6 апрель	Пайшанба	05:37	19:55
16	7 апрель	Жума	05:35	19:56
17	8 апрель	Шанба	05:33	19:58
18	9 апрель	Якшанба	05:31	19:59
19	10 апрель	Душанба	05:29	20:00
20	11 апрель	Сешанба	05:27	20:01
21	12 апрель	Чоршанба	05:25	20:02
22	13 апрель	Пайшанба	05:23	20:03
23	14 апрель	Жума	05:21	20:04
24	15 апрель	Шанба	05:19	20:05
25	16 апрель	Якшанба	05:18	20:07
26	17 апрель	Душанба	05:16	20:08
Муқаддас Лайлатул-Қадр кечасида Қуръони Каримнинг ilk оятлари нозил қилинган. Дуо, тилаклар қабул бўладиган тун.				
27	18 апрель	Сешанба	05:14	20:09
28	19 апрель	Чоршанба	05:12	20:10
29	20 апрель	Пайшанба	05:10	20:11

САҲАРЛИК (ОФИЗ ЁПИШ) ДУОСИ:
Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фаҳри илал магриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар!
Маъноси: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботанунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳ буюқдир.

ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) ДУОСИ:
Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка таваккалту ва аъла ризқиқа афтарту, фағфирли йа гоғфару ма қоддамту ва ма аххорту.
Маъноси: Эй Аллоҳ, ушбу Рўзани Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Зот, меннинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни магфират қилгил.

Фитр садақаси 535 тенге этиб белгиланди.

muftiyat.kz

Директор – Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи –
Муроджон Абдунаби ўғли
АБУБАКИРОВ.

Бош муҳаррир ўринбосари:
Авазхон БҮРҒОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазирт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродрлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилик учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўзхатга олинди, КЗ344РҮ00022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, «Жаңа қала» кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12500 нуска.

Бўғорма: 752. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.